



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОРГАНЛАРИ
ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ
ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА НИСБАТАН
МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАР ҚЎЛЛАШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Қишлоқ хўжалиги органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўллаш тартиби бўйича услугий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 25 6.

Мазкур услугий қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда аҳоли учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада қишлоқ хўжалиги органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўллаш тартиби баён этилган.

Ушбу услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР.....	5
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	6
АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН КҮРИЛАДИГАН ИШЛАР	7
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ИШЛАР КҮРИБ ЧИҚИЛАДИ?.....	9
КИМЛАР ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ НОМИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚАДИ?.....	10
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ БАЁННОМА БҮЙИЧА ҚОИДАЛАР	12
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ	16
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ	19
ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ИШ КҮРИБ ЧИҚИШ УЧУН СУДГА ЮБОРИЛАДИ?....	22
ИЛОВАЛАР.....	23

КИРИШ

Бугунги кунда адлия органлари томонидан ўтказилган ўрганиш, таҳлил ва мониторинглар жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашда амалдаги қонун ҳужжатлари талабаларига риоя этилмаётганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда процессуал қоидаларга риоя этилмаётганлиги аниқланмоқда.

Шунга кўра, қишлоқ хўжалиги органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини қўллаш амалиётини бир хиллаштириш, маъмурий жарима ва бошқа маъмурий жазо чораларини қўллашда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ушбу услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Қўлланмада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материаларини кўриб чиқиш учун ваколатли органга юбориш тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузар иштирокини таъминлаш, маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва қарорни ижрога қаратиш ҳамда соҳани тартибга соловчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МЖтК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатларидан фойдаланилди.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАРТИБА СОЛУВЧИ АСОСИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ
жавобгарлик тӯғрисидаги кодекси



Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги "Судлар
томонидан маъмурӣ ҳуқуқбузарлик
тӯғрисидаги ишларни кўришни тартиба
солувчи қонунларни қўллашнинг айрим
масалалари тӯғрисида" 30-сон қарори

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК НИМА?

маъмурий ҳуқуқбузарлик – Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.



МАНСАБДОР ШАХС КИМ?

мансабдор шахс – Доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади.



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ БАЁННОМА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ?

маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги баённома – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда ваколатли орган мансабдор шахси томонидан тузиладиган, шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН КҮРИЛАДИГАН ИШЛАР



Маъмурий жавобгарилик тўғрисидаги Кодекснинг (кейинги ўринларда – Кодекс) 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (*сунъий сув иншоотлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми*)



87-моддасида (*қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми*)



89 ва 89¹-моддаларида (*қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми*)



92-моддасида (*наслчиликка оид қисми*), 104¹, 104², 112-моддаларида, 125-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 135, 139, 140, 141-моддаларида (*қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми*),



200, 212, 213, 214, 227¹⁴-моддаларида (*қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми*) назарда тутилган маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилади.



ИНСПЕКЦИЯ НОМИДАН КИМЛАР МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШГА ҲАҚЛИ?

1

- Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари

2

- Инспекция ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларниң ўринбосарлари

3

- Инспекция туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ИШЛАР КҮРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекс



108-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар



Кодекснинг 107-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ
АГЕНТЛИГИНИНГ НОМИДАН МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ
КҮРИБ ЧИҚИШГА ҲАМДА ЖАРИМА ТАРИҚАСИДАГИ
МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА
КИМЛАР ҲАҚЛИ?

- ✓ Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг бош директори ҳамда унинг ўринbosарлари;
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринbosарлари
- ✓ Туман (шаҳар) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимларининг бошлиқлари.

КИМЛАР ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ НОМИДАН МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚАДИ?

- ✓ Бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари;
- ✓ Давлат чегарасидаги ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари;
- ✓ Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг давлат ветеринария инспекторлари;
- ✓ туманлар ва шаҳарларнинг бош давлат ветеринария инспекторлари, чегара ва транспорт ветеринария пунктларининг (участкаларининг) давлат ветеринария инспекторлари;
- ✓ ветеринария участкаларининг ва бозорлардаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларининг давлат ветеринария инспекторлари.



***Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг
109-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар
Давлат ветеринария хизмати томонидан кўриб
чиқиласди.***



МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик
тўғрисида баённома**

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик
тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш
баённомаси**

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик
тўғрисидаги иш юзасидан
чиқарилган қарор**



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМА БЎЙИЧА ҚОИДАЛАР

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик факти аниқланганда ваколатли **mansabdar** **шахс** томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМАДА ҚУЙИДАГИЛАР КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК:

баённома тузилган сана ва жой

баённомани тузган шахснинг лавозими,
фамилияси, исми, отасининг исми

ҳуқуқбузарнинг шахсига оид
маълумотлар

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган
жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти,
ана шундай ҳуқуқбузарлик учун
жавобгарликни назарда тутувчи норматив
хўжжат

агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса,
уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;
ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш
учун зарур бўлган бошқа маълумотлар
кўрсатилади

Маълумот учун

Агарда ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатиласди.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Баённома тузиш пайтида мансабдор шахс томонидан ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарли тўғрисидаги баённомага қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

1

- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси**

2

- ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси**

3

- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **тушунтириши**

4

- жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, агар улар мавжуд бўлса

5

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар

**БУНИ
БИЛИШ
ЗАРУР**

Суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни, агар баённома ёки қарор **ваколати бўлмаган мансабдор шахс томонидан тузилган ёки чиқарилган, шунингдек, агар унда мазкур **Қўлланманинг 4-бандида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилмаган бўлса**, уни тузган орган ёки мансабдор шахсга камчиликларни бартараф этиш учун **қайтаради**.¹**

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб **бир суткадан** кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (mansabdar shahs)ga юборилади.

Фуқаро ҳуқуқбузарлик содир этганлигини тан олса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **иккидан бир қисмидан ошмаса баённома расмийлаштирилмайди**.

Бундай ҳолатда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ўша жойнинг ўзида маъмурий жарима жазоси қўлланилиб, фуқарога жарима тўлаганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги квитанция берилади.



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМАНИ ҲУҚУҚБУЗАРИИК СОДИР ЭТИЛГАН ЖОЙНИНГ ЎЗИДА ТУЗИШ ИМКОНИ БЎЛМАСА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИЛАДИ?

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, **ички ишлар органи ходими** ёки **маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс** ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 7-банди

**БУНИ
БИЛИШ
ЗАРУР**

Хуқуқбузар ўзи содир қилган **ҳуқуқбузарликни тан олмаса** ваколатли орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материаллари **жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига** кўриб чиқиш учун юборилади.

-  Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик **якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан** тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида содир этилган бўлса, мазкур ишлар ҳам **жиноят судлари томонидан кўриб чиқилади.**
-  Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 7-бандига асосан жавобгарликка тортилаётган шахсга унинг **ҳуқуқлари тушунирилмаганлиги** судлар томонидан мазкур иш материаллари **қайтарилишига сабаб бўлади.**

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) қўйидаги масалаларни ҳал қиласди:

мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги




маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги

ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги



зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги



маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Эслаб қолинг!

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳукуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТИ ҚАНЧА?

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар **олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик** муддат ичida кўриб чиқилади (*Қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар ҳам назарда тутилган*).




ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШ НИМАДАН БОШЛАНАДИ ВА ҚАНТАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

МЖтКнинг 306-моддасига биноан ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.



ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА ИШНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ МАНСАБДОР ШАХС ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ?

- ✓ иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қиласди;
- ✓ ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳукуқлари ва вазифаларини тушуниради;
- ✓ маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида мазкур **Қўлланманинг иловасида** келтирилган шаклда тегишли орган баённома юритилади ва ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Эслаб қолинг!

МЖтКнинг 294-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳуқуқларининг бузилиши маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги **қарорни бекор қилиш учун асос бўлади**.

Шунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги **ишни кўриб чиқиш** ва **ишни кўриб чиқиш баённомасини юритилишига алоҳида эътибор берилиши лозим**.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриб чиқишига ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.



ҚАРОРДА НИМАЛАР КЎРСАТИЛИШИ ЛОЗИМ?



қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи

суд ишининг рақами; иш кўриб чиқилган сана

иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар

ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни

мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат

иш юзасидан қабул қилинган қарор, шунингдек унинг устидан шикоят бериш муддати ва тартиби

БУНИ БИЛИШ ЗАРУР

Иш юзасидан чиқарилған қарорда олиб қўйилған ашёлар ва ҳужжатлар масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

-  Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилған қарор мансабдор шахс томонидан имзоланади.
-  Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилған қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ **дарҳол эълон қилинади** ва у **чиқарилған пайтдан эътиборан конуний кучга киради**.
-  Қарорнинг нусхаси **уч кун ичида** устидан шу қарор чиқарилған шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Эслаб қолинг!

Қарорнинг нусхаси **тилхат билан** берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли **ёзув ёзиб қўйилади**.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни **ихтиёрий** равища бажаришнинг муддати ўтиб кетганидан кейин **мажбурий** равища ижро этилади.



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР УСТИДАН ШИКОЯТ КЕЛГАНДА ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (mansabdar shahs) shikояtni olgach, uni **уч сутка ичида** iш bilan birga ushbu moddaga muvofiq shikояtni kўrib chiqish huquqiga ega bolgan organiga (mansabdar shahsiga) yoboradi.



ШИКОЯТ ҚАНЧА МУДДАТДА КҮРИБ ЧИҚИЛИШИ ЛОЗИМ?

Маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб **ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар**.

ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ИШ КҮРИБ ЧИҚИШ УЧУН СУДГА ЮБОРИЛАДИ?

1

- Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса

2

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошقا ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлар тўғрисидаги ишлар

3

- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиш ҳақидаги ишлар

4

- ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича ишлар

ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ ЁКИ ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ УЧУН ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ СУДГА ЮБОРИШ ТАРТИБИ



Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.



Тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

ИЛОВАЛАР

1-Илова

Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекцияси
Наманган вилоят
бошқармаси бошлиғи
А.Набиевга

дан

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен _____
______ йил _____ вилоят, _____ туманда
түгилғанман, миллатим _____, маълумотим _____,
Узбекистон Республикаси фукаросиман, мукаддам судлан_____
_____ йилдан буён _____ вазифасида ишлаб
келмоқдаман, оила_____, _____ нафар фарзандим бор, ҳозирда
да яшайман.

Тушунтириш хати орқали куйидагиларни маълум киласман:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси

Тошкент шаҳар

10.02.2024 йил

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан бошқарма бошлиғи _____ раислигида инспектор _____ котиблигида фуқаро _____ иштирокида (*ишда прокурор қатнашган бўлса у ҳам кўсатилади*) фуқаро _____ нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (кейинги ўринларда – Кодекс) 76-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этилганлиги юзасидан юритилган _____-сонли маъмумирий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кўриб чиқилди.

Ишни кўриб чиқишда раислик қилувчи, котиб ва фуқаро _____ лар иштирок этди.

Ҳуқуқбзураг _____ (садир бўлган ҳолат бўйича ҳуқуқбузар томонидан маълум қилинган ҳолатлар баён этилади)

_____ баён этиб, айбига иқрорлигини, бундай ҳолатлар келгусида такрорланмаслигини билдириди.

Ишни кўриб чиқишда _____

(ишни кўриб чиқиш жараёнида тасдиқланган ҳолатлар баён этилади) ўз тасдиғини топди.

Маълумки, (содир этилган ҳолат натижасида бузилган
қонунчилик ҳужжатлари талаблари баён
этлади) _____

белгиланган.

Бундан кўринадики, _____ томонидан ушбу

содир этилиши (ёки бажарилмаслиги) натижасида

белгиланган талаблар бузилган.

Таъкидлаш жоизки, МЖтКнинг 76-моддасига асосан сув хўжалиги обьектлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга кўра, ишни кўриб чиқиш якунида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи томонидан _____ га МЖтКнинг 76-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Қабул қилинган қарор ишда иштирок этиувчиларга ўқиб эшилтирилиб, қарор устидан шикоя қилиш тартиби ва муддатлари тушунтирилди.

Раислик қилувчи:

Котиб: